



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ёндашувлар асосида камбағалликни қисқартиришга оид чора-тадбирлар тақдироти билан танишди.

Бу йил 5 миллион 200 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш ва 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсад қилинган. Биринчи марта 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди.

Маҳалла банкирлари билан бирга 1,5 миллион аҳоли доимий ишга жойлаштирилиб, 2 миллиондан зиёд одам бизнесга жалб қилинади. Шу мақсадда бу йил кичик бизнес лойиҳаларига жами 120 триллион сўм кредит ажратилади.

Илғор хорижий тажриба асосида 32 та йўналишда камбағалликни қисқартириш бўйича янги ёндашувлар йўлга қўйилади. Мисол учун, 300 та оғир маҳаллада умумий қуввати 107 мегаватт бўлган қуёш электр станциялари ишга туширилади. Уларга камбағал оила аъзолари кооперация асосида ишга олинади.

123 та туманда камбағал аҳоли 20 минг гектар ўрмон ва қўчатзор барпо этиш ҳамда доривор ўсимликлар етиштиришга жалб этилади. Улар эккан ҳар 100 та дарахт учун 375 минг сўм субсидия тўланади.

Туризм салоҳияти бор жойларда меҳмон уйлари ва ошхоналар, муайян почта бўлимларида электрон тижорат марказлари очилиб, камбағал оила вакиллари ишга олинади.

Умуман, жорий йилда 6 минг 472 та маҳаллада янги ёндашувлар асосида лойиҳалар амалга оширилиб, 210 минг нафар аҳоли камбағалликдан чиқарилади.

Чекка ҳудудлардаги, оғир тоифадаги қишлоқларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси уларга ишчанлик руҳини олиб кириб, боқимандаликни камайитиришга, камбағал оилалар меҳнатини қўллаб-қувватлашга масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлишини яна бир бор таъкидлаб, бу борадаги чора-тадбирларни тартибли ва манзилли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига бу вазифаларнинг бажарилишини қатъий назоратга олиш топширилди. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир чора-тадбир электрон платформага киритилиб, яратилган иш ўринлари солиқ базасида текширилиши белгиланди.

Маҳаллий ҳокимлик ҳодимлари ва “маҳалла еттичилиги” учун ўқувлар ташкил этиш, яхши тажрибаларни тарғиб қилиш муҳимлиги айтилди.

ЎЗА

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ТЕМИР ИНТИЗОМ — ИЖРО НАТИЖАДОРЛИГИ ОМИЛИ

Аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини ошириш борасидаги ислохотлар натижадорлиги бевосита уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатлар ва қарорларни ижро этиш бўйича интизомнинг қатъийлигига боғлиқ. Ўз навбатида, бу давлат ҳокимиятининг жамият олдидаги энг асосий вазифаларидан биридир. Буни Президентимиз томонидан ижро интизоми йўналишида мустақкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириши асосий вазифа сифатида белгилаб берилганида ҳам кўриш мумкин.

Масъулият — раҳбарларда

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йил 28 ноябрь куни ўтказилган йиғилишда вазирлар, ҳокимлар ва тармоқ раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, барча топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ вазифалар берилди.



Ҳар бир раҳбар берилган кўрсатмаларга асосан, ижро интизоми масаласига юқори масъулият билан ёндашган ҳолда: — белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таъминлаш бўйича ишларни тўғри режалаштириши; — топшириқларни ижро муддатидан барвақт бажариш бўйича

олдиндан зарур чора-тадбирларни кўриши; — юзага келатган ҳар бир муаммоли масалани биринчи раҳбарлар даражасида муҳокама қилиб, ҳамкорлик ва мулоқот асосида ҳал этиши шартлиги таъкидланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари,

хўжалик бирлашмалари раҳбарлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар “jgo.gov.uz” тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилган.

▶ Давоми 3-бетда

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲАМОҲАНГ ҲУЖЖАТ



Ҳаётда ҳар кимнинг ўзига яраша орзу-мақсади бор. Ўтаётган ҳар бир кунимиз, вақтимизни унга етишиш учун сарфлашга интиламыз. Янги кунимиз оиламиз, меҳнат жамоамиз ва жамият учун ҳайрли, фойдали ишларга бой бўлишини истаймиз, режалар тузамиз. Ушбу режалар юзасидан дўстлар, яқинларимиз билан маслаҳатлашамиз.



Халқимизда “Маслаҳатли тўй тарқамас” деган нақл бор. Асрлар давомида ўз қадрини йўқотмаган ушбу ҳикмат кейинги йилларда давлат бошқарувида, амалга

ошириладиган ислохотлар режасида ҳам кенг қўлланмоқда.

Президентимиз давлат сиёсатида, ислохотлар мазмун-моҳиятида халқ

▶ Давоми 2-бетда

Бугуннинг гапи

МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Йил бошини одатдагидан кўра қизғин бошлаб олди. Янги ислохотлар, янги ташаббуслар кутиб ўтирмай, дарҳол ишга туширилмоқда. Айтиш мумкин, бу йилда эса юртимизнинг барча ҳудудларида маҳалла банкирлари фаолияти йўлга қўйилапти. Энди ҳар бир маҳалланинг ўз банкири бўлади ва аҳолининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади.



Мазкур ташаббус ўтган йили 16 декабрда ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланган эди. Шу асосда жорий йилнинг 1 февралига қадар ҳар бир ҳудудда маҳалла банкири штати таъсис этилиб, маҳаллаларга бириктирилиши керак. Бу ишни туман ҳокимлари ва тижорат банкирлари биргаликда бажариши кўзда тутилган. Маҳалла банкири штати туманлардаги банклар томонидан таъсис этилади. Ҳокимликлар эса ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш учун жойи ва инфратузилма билан таъминлайди. Юртимизда биринчилардан бўлиб Тошкент вилоятида маҳалла

банкларини иш бошлади. Вилоятдаги тижорат банклари томонидан 264 та маҳалла банкири штати очилиб, барчаси тўлдирилган. Штатлар банкларнинг туман ва шаҳарларга бириктирилиши ҳамда маҳаллаларнинг жойлашувидан келиб чиқиб тақсимланган. Гап шундаки, Тошкент вилоятидаги 22 та шаҳар ва туманда 3 миллиондан зиёд одам яшайди, маҳаллалар сони эса 1025 та. Ҳудудларнинг географик жойлашуви, одам сони ва туман тоифасидан келиб чиқиб, 3-4 та маҳаллага битта маҳалла банкири бириктирилди.

▶ Давоми 4-бетда

ТЕЖАЛГАН СУВ — БОҚИЙ ҲАЁТ ГАРОВИ

Долзарб мавзу

Ҳисоб-китобларга кўра, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50-60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. 2050 йилгача Сирдарё хавзасида сув ресурслари 5 фоизга, Амударё хавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Узоқ йиллар “сув текин” қабилида иш юритиб, ёнимиздан оққан сувни қадрламадик. Аммо сувдек оқиб кетаётган вақт тизгинида йиллар ўтиб, юқоридаги каби ҳавотирли рақамлар ошиб бормоқда.

Шу мақсадда сўнгги йилларда Ўзбекистонда сув билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, ресурсларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Марказий Осиёда биринчи, МДҲ давлатлари орасида иккинчи, Осиёда тўртинчи ва дунёда 13-ўринда эътироф этилмоқда. Буни тизим фаолиятини янада ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарали ижроси натижаси дейиш мумкин.

Президентимиз раислигида 2024 йил 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилona фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайитириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бутун дунёда кузатилаётган экологик муаммолар, табиий офатлар қайд этилиб, бизнинг минтақамизда сув танқислиги хавф солаётгани таъкидланган. Давлатимиз раҳбари бу муаммонинг ечимига тўхталар экан, жулдан, мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, канал ва ариқларни бетонлаштириш, сув бошқарувини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

▶ Давоми 2-бетда

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

Миллий қадриятларга ҳамоҳанг ҳужжат

УЙҒОНИШ

Ренессанс алломалари ҳаёти ва фаолиятини ўзида мужассам этган мобил илова яратиш керак



Азамат ПАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бошланиши 1-бетда

Ҳар бир ҳужжат аҳоли вакиллари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олинган ҳолда қабул қилинмоқда ҳамда ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Ушбу аъёна бугун ҳам давом этипти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

Дастур лойиҳасида 5 та устувор йўналиш бўйича 2025 йил учун 235 та амалий чора-тадбирни амалга ошириш, 87 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ва қатор мақсадли кўрсаткичларга эришиш назарда тутилмоқда.

Йил номидан келиб чиқиб, лойиҳада атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йўналишидаги вазифалар устувор аҳамият касб этганини кўриш мумкин. Хусусан, “яшил” иқтисодиёт йўналишида қайта тикланувчи энергия манбалари улushiни ошириш, электр энергияси учун “яшил” тарифлар жорий этиш, энергия ҳамда сув истеъмоли соҳасида тежамкорликка эришиш, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш, аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш каби кўплаб мақсадлар кўзда тутилган.

Фармон лойиҳасига назар ташлаган киши унда миллий қадриятларимизга ҳамоҳангликни кўриши мумкин. Эсимизни танибмизми, ота-боболаримиздан кўчатиб, атроф-муҳит ва жонотларга зиён етказмаслик,

исрофгарчиликка йўл қўймадик, сувни ифлос қилмасдик, маҳалладаги кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу қадриятларга амал қилиш ҳақида эшитиб келамиз. Фарзандларимизга ҳам баҳоли қудрат шуларни ўргатишга ҳаракат қиламиз.

Жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган давлат дастури лойиҳасида ҳам шу қадриятлар устувор бўлган кўплаб мақсадларни кўришимиз мумкин. Хусусан, дастурнинг атроф-муҳитни асраш йўналишида жойларда пидеа ва велосипедда сайр қиладиган “Соғли сайр кўчалари” тармоғини яратиш, “Бир миллион яшил оила” ҳаракати орқали юриш ва югуриш, “яшил” транспортда ҳаракатланиш, озиқ-овқат исрофгарчилигининг олдини олиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш каби ишлар ўрин олган. Бунда “яшил фуқаро”, “яшил оила”, “яшил маҳалла” талаблари белгиланади ва ҳар бири учун алоҳида кўлаб-қувватлов чораси қўланади.

Шунингдек, “Яшил тадбиркор” платформаси ишга туширилади ва бундай тадбиркорларга шаффоф қурилиш тизимида афзаллик бериш, халқаро бозорга чиқиш учун кўлаб-қувватлаш каби ёрдам кўрсатилади.

Алоҳида эътиборни тортган яна бир жиҳат шуки, 200 миллион туп кўчат экиш, яшил боғлар сонини 257 тадан 701 га, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонларни 2,1 миллион гектарга етказиш, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар боғи ташкил этилиши кўзда тутилган.

Бу мақсадларга, албатта, осонликча эришилмайди. Катта маблағ, ишчи кучи ва халқимизнинг бирдамлиги, улкан шижоати зарур. Юрт ўзимизники экан, унинг гуллаб-яшнаши, равнақи, энг аввало, ўзимизнинг фаровонлигимиз учун керак. Келажак авлодлар учун обод юрт ва гўзал турмуш яратиш масъуляти бугун барчамизни бирдек жонқурликка чорлаши лозим. Давлат



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



бош ислохотчилиги асосида режалаштирилаётган ва амалга оширилаётган ишлар ижросида ҳам ўз тақлифларимиз, ҳиссамиз билан фаол иштирок этишимиз зарур ва шарт.

Давлат дастури лойиҳасидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 3 йил мuddатга ов қилишга мораторий жорий қилиш ҳамда 14 та ҳудудда қаровсиз ҳайвонлар питомникларини ташкил этиш мақсадлари ҳам юқорида айтган азалий қадриятларимизнинг бир қўрилиши, албатта.

Бугун дунёда иқлим ўзгаришлари, табиат ҳодисалари ортиши натижасида турли касалликлар, сувсизлик, ҳавонинг ифлосланиши каби муаммолар пайдо бўлгани инсониятни жиддий ташвишга солмоқда. Бу борада ҳам юртимизда атмосфера мусофоллигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида кўламли ишлар бажарилмапти.

Биргина чиқиндилар орқали юзга келатган муаммоларни баргафрат этишга қаратилган янги лойиҳаларни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Буни чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш борасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлат дастури лойиҳасидан ўрин олган 2026 йилдан бошлаб ичимликларнинг пластик қадоқларида рангли пластикни ишлаши, 2027 йилдан бошлаб пластик пакетлар ишлаб чиқариш, олиб кириш ва фойдаланишни тақиқлаш вазифаси ҳам эътибор қаратишга арийди.

Халқимиз фарзандларимизни ҳар тарафлама билимли, маъна ва жисмонан баркамол авлод этиб вояга етказишга катта эътибор қаратиб келади. Билим олишнинг афзалликлари ҳақида қанчадан қанча мақоллар, ҳикматлар ҳам мавжуд. “Билгани зўр бирни йиқар, билими зўр мингни”, “Билим бахт қилтирар” каби мақоллар барчамизнинг шоримизга айланган улгурган.

Юртдошларимиз эътиборига ҳавола этилган давлат дастури лойиҳасида таълим масаласига жуда катта ўрин берилган. Аникроқ қилиб айтсак, дастур айнан таълим соҳасидаги ислохотларга қаратилган мақсадлар билан бошланган.

Демак, жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган давлат дастури лойиҳасини миллий қадриятларга асосланган дея таърифлаш мумкин. Энди сизу бизга лойиҳа билан батафсил танишиб, янада халқчил ва муқамал бўлиши учун уни ўз тақлиф ва тавсияларимиз билан кўлаб-қувватлаш вазифаси қолмоқда. Ўз юрти ва халқи келажиги учун эътиборсиз бўлмаган ҳар бир юртдошимиз ушбу жараёнда фаол иштирок этишига ишонаман.



Комила КАРОМОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари, сенатор

Лойиҳа билан танишиш асосида режалаштирилган нақадар улкан, мақсадларимиз нечоғлиқ улугвор эканини кўраимиз. Унда аҳолининг барча қатламлари манфаатини ҳимоя қилиш, барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган кўлаб вазифалар ўрин олгани эътиборлидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белги-ланган. Бу, албатта, давлат зиммасига жуда катта мажбурият оқлайди. Давлат дастури лойиҳасида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани бе-жиз эмас. Хали туғилмаган гўдақдан тортиб, кекса ёшдагиларгача муносиб шароит яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини ошириш, олис ва чекка ҳудудлардаги мактаб ўқувчилари учун бепул автобус қатновини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари талабаларини ётоқхона билан таъминлаш ёшларнинг таълим олиш шартини яхшилашга ҳисса қўшади.

Бугун Қарши шаҳрида 110 минг талаба тахсил олади. 2025 йилда 3 та 1200 ўринли ётоқхона қурилиши режалаштирилмоқда. Демак, уллар сонини 31 тага етади ҳамда шу орқали ёшлар учун яшаш ва ўқиш шароити тўқис бўлади.

Стажёр-тадиқотчилик, таянч докторантура ҳамда мақсадли докторантура қотарили оширилиши иқтидорли ва билимли йиғит-қизларга кенг имконият беради. Дастур лойиҳасида фанлар бўйича фундаментал тадиқотларни амалга оширишга эътибор

қаратилаётгани интеллектуал муҳитни яхшилаб, кенг инновация ва тараққиётга асос бўлади.

Дастур лойиҳасининг ўзига хос жиҳати мамлакатимиздаги бағрикенглик, инсон қадрини улуглаш тамойили қарор топаётганидир. Хорижда яшаётган ватандошларни маънавий кўлаб-қувватлаш, ижтимоий бирдамликни кучайтиришга катта эътибор қаратилган. Бунинг учун хорижда ҳудудий ватандошлар форумини ўтказиш белги-ланган бўлса, катта ёшли ватандошлар учун Ўзбекистонда “Чинор” дастурини ташкил этиш ва ёшлар учун мамлакатимиздаги оромгоҳларда “Анор” ёзи дам олиш дастури ташкил этилиши ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

илмий фаолияти, иждодий асарларини ўзида мужассам этган “Уйғониш” мобил иловасини яратиш таклифини ўртага ташламоқчиман. Бу, шубҳасиз, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшади. Мазкур илова қизиқarli маълумотлар, видео-материаллар билан мунтазам янгилаб борилиши бугуннинг талабларига жавоб беради. Ёш авлодни маънавий юксак руҳда тарбиялаш болаликдан бошланади. Китоб-хонлиқни омаллаштириш, уни маънавий эҳтиж даражасига кўтариш учун китобга болаликдан меҳр уйғотиш зарур. Бугун аҳоли орасида китобхонлик муҳити янада яхши-ланишига ҳалал бераётган омиллардан бири айнан болалар китоблари нархининг қиммат-лигидир.



Президентимизнинг “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккити мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деган фикрларига ҳамоҳанг равидада энди аҳолининг замонавий билим, кўникма ва малакасини оширишга қаратилган “Маърифат улашиб” лойиҳасини амалга ошириш, миллий қадриятлар, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тарғиботида доир миллий контентларни, болалар учун хавфсиз интернет муҳитини яратиш, интернетдан хавфсиз фойдаланиш борасидаги ижтимоий роликларнинг ОАВда мунтазам эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш белги-ланмапти. Фурсатдан фойдаланиб, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс алломалари ҳаёти ва

Шунга кўра, хусусий наشريятлар билан беамал рақобатга кириши оладин, давлат иштирокидаги болалар нашриятлари очилиши керак. Масалан, Қашқадарё вилоятида болалар нашриёти йўқ. Ўз-ўзидан пойтахт ёки бошқа вилоятлардан келтирилаётган китоблар нархи қимматлашиб бораверади. Вилоятимизда болалар нашриёти фаолият юритса, китоблар нархи арзонлашиб ҳизмат қилади.

Умуман олганда, давлат дастури лойиҳаси аҳолининг барча қатламлари манфаатини ҳимоя этади. Шунинг учун ҳам мазкур лойиҳа кизгин кўлаб-қувватланмоқда. Сохибқирон Амир Темур айтганидек, энг муҳим ишларни кенгаиш, тадбир ва машварат орқали амалга оширишда ҳикмат кўп. Бугун ҳам халқ билан маслаҳатлашилган ҳолда катта режалар белги-ланмапти. Бу улкан марраларни эса ҳамма ҳавас қиладиган ҳамжихатлигимиз, фойдоилик, қадоқатимиз билан забт этамиз.

ТЕЖАЛГАН СУВ — БОҚИЙ ҲАЁТ ГАРОВИ

Бошланиши 1-бетда

Сувдан фойдаланиш коэффициентини янада ошириш учун унинг ирригация тармоқларидаги йўқотиладиган миқдорини камайтириш керак бўлади. Бунинг учун сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелiorация объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш зарур. Авваллари республика миқёсидаги сугориш тармоқларининг фақат 23 фоизи бетон қопламали эди. Хусусан, каналларнинг фойдали иш коэффициентини паслиги (35-40 йилдан бери таъмирталаб бўлиб қолгани) сабаб ички тармоқларда сув кўп йўқотилган.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларига борувчи канал ва ариқларнинг бетонлашмагани катта йўқотиш,

албатта, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Зоҳид Ўролов. — Шундан келиб чиқиб, сув сарфини тежашдаги ушбу энг муҳим тадбир орқали 35 фоиз сув йўқотилишининг олдини олиш мумкин. Шунингдек, бу тадбирлар деҳқон даласига сув етиб бориш вақтини тежайди, сувчи-миробларнинг меҳнати енгиллашади.

Зарафшон дарёси вилоятнинг ягона сув манбаи ҳисобланади ва 340 минг гектардан ортик сугориладиган ер майдонлари айнан шу дарё сувига бевосита боғлиқ. Дарёдан келадиган сув сарфининг кўп йиллик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда сув миқдори ҳар йили 7-10 фоизга камайиб бораётгани кузатилади. Шу жиҳатдан ҳам мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, сувнинг ҳар томчисини



тежаш барчамизнинг энг асосий вазифамиз эканини англашимиз зарур. Президентимиз эътибор қаратаётган долзарб вазифа — канал ва ариқлар бетонлаштирилиши натижасида эса сувдан фойдаланиш коэффициенти 90-95 фоизгача ошиб, йўқотиларнинг олди олинади.

2024 йилда Самарқанд вилоятидаги 7 та муҳим туманлараро каналларнинг 26,2 километри реконструкция қилинди. “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ҳисобидаги 420 километр сугориш тармоқлари, кластер ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 2100 километр хўжалик ички сугориш тармоқлари бетонлаштирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб беришни Самарқанд вилоятидаги сугориладиган ер майдонининг

68,155 минг гектари насос агрегатлари орқали сугорилади. Маълумки, сугориш тизимларининг насос станциялари энергия истеъмоли жиҳатидан катта бўлган объектлардан бири ҳисобланиб, насос агрегатларининг энергия истеъмоли тежамкорлигини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Вилоятда 94 та насос станцияси ҳамда 453 та сугориш, 46 та мелiorатив тик қудуқлар бўлиб, 2024 йилда уларни ишлашиш учун давлат томонидан 163,7 миллион киловатт-соат электр энергияси лимити ажратилганди, — дейди Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузурдаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шокир Раҳмонов. — Насос станцияларини эксплуатацияси давомида электр энергиясини иқтисод қилиш, насос агрегатлари

ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида самарадорлиги юқори 9 дона насос ускунаси, 17 дона электр двигатели ва 15 дона реактив энергияни компенсацияловчи конденсатор қурилмаси ўрнатилгани ҳисобига 780 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилишга эришидик. Жорий йилда эса шундай тадбирлар туфайли 1 миллион 300 минг киловатт-соат электр энергияси тежаш кўзда тутилмоқда. Яна бир амалиёт: вилоятда сув насос станцияларини босқичма-босқич муқобил энергия билан ишлаш тизимига ўтказиш бўйича ташкилий ишлар бошланган.

Шуни таъкидлаш керакики, давлат билан хусусий бизнес ҳамкорлиги механизми кўпгина афзалликларга эга бўлиб, ҳар қандай давлат учун стратегик аҳамиятли лойиҳаларни самарали амалга оширишнинг кучли омили саналади. Сув хўжалиги соҳасида ҳам давлат-хусусий шериклик ва ауторсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа таъкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга ошириш келинмоқда. Шу йўналишда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги “Оқтош-1”, “Оқтош-2” ва “Туркистон” насос станциялари, Булунгур туманидаги “Ғалаба” насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида фаолият олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида сув тежовчи

технологияларни жорий этиш бўйича бир қатор вазифалар белги-ланган. Унинг ижроси доирасида Самарқанд вилоятида 2024 йилда 10,1 минг гектар майдонда томчилатиб, 3,2 минг гектар майдонда ёмғирлатиб, 3,2 гектар майдонда дискрет, 8,3 минг гектар майдонда эгилувчан қувурлар орқали сугориш тизими ва 23,1 минг гектар майдонни лазер ускунаси орқали текислаш ишлари амалга ошириди. Бу орқали ўртача 61 миллион куб метр сув тежалди ва унинг ҳисобига 18 минг гектар майдондаги тақрорий экинларни сув билан таъминлаш имконияти яратилди.

Албатта, бу каби чора-тадбирларга ҳамжихатликда бош қўшсак, натижа янада самарали бўлади. Бугун атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолар барчамиз учун огоҳлик кўнги-роғи бўлиши лозим. Ҳар биримиз шахсий дахлдорлигимизни чуқур англаб, индивидиал ёндашсак, шу бугун, шу сонияданой ҳимоя тежаш ва исроф қилмаслик тамойили кундалик мезонимизга айланса, келгусида эҳтимоли бўлган катта муаммоларнинг олдини олган бўламиз.

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ТЕМИР ИНТИЗОМ — ИЖРО НАТИЖАДОРЛИГИ ОМИЛИ



Акбар ТОШҚУЛОВ,
адлия вазири

Бошланиши 1-бетда

Ижро занжири узилмаслиги зарур

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан айнан мана шу йўналишда ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

Бугун давлатимиз раҳбарининг топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича ушбу ҳужжатлар асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” тизими самарали ишлаши катта аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат юритиш билан боғлиқ вазифалар Адлия вазирлигига юклатилган.

Бирламчи бўлин сифатида Адлия вазирлиги томонидан бу борада Президент топшириқлари ижросини “Ijro.gov.uz” тизими ҳамда жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиш, ўрганишлар ўтказиш ҳамда ушбу жараёнда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича вазирлик ва идоралар олдига тегишли масалаларни қўйиш, ижрочиларга ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш билан боғлиқ вазифалар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, вазирлиқнинг Президент ҳужжатлари ва топшириқлари бўйича назорат механизми бирламчи бўлинига айланishi тизимдаги барча раҳбар ва мутахассисларнинг касбий даражаси ва ишчанлик малакасини янада ошириши ҳамда юккас шахсий масъулиятни талаб этади.

Вазирлар Маҳкамасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмаларида топшириқларнинг ижро ҳолати натижадорлиги кузлик таҳлил этилиб, раҳбар ўринбосарлари ва масъул ижрочилар ҳамда Вазирлар Маҳкамасидан бириктирилган ходимлар иштирокида танқидий муҳокама қилинмоқда.

Нозорат механизми қандай ишлайди?

Ҳар қандай ҳужжатнинг ижросини таъминлашда амалий механизмлар, шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш зарур. Бу борада ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир”нинг қуйидаги учта устувор бўғинига алоҳида эътибор қаратиш керак:

биринчидан, ҳужжатда унинг ижросини ташкил этиш учун масъул бўлган давлат органи ва ташкилотни олдидан турган вазифаларни муваффақиятли ва мақбул йўл билан ижро қилиш механизмлари аниқ белгилаб берилши лозим;

иккинчидан, ҳужжатда белгиланган вази-фа ва топшириқларнинг ўз вақтида ва натижадор ижросини таъминлаш учун энг самарали йўл танлашни зарур;

учинчидан, ҳужжат ижросини амалга ошириш учун энг кам маблағ, ресурслар ва энергия сарфлаши зарурлиги инобатта олинши лозим.

Умуман олганда, ушбу жиҳатлар янги сисётас ва ислохотларни амалиётга татиқ

этишда кўплаб давлатлар учун жуда долзарб масала. Зеро, мазкур жараёнга кўплаб оми-лар таъсир ўтказади.

Амалдаги тизимга кўра, топшириқлар ижросини ташкил этиш куйидаги 7 босқичда амалга оширилмоқда:

биринчи босқичда ҳужжат ва электрон нусхалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан “Ijro.gov.uz” тизими орқали Адлия вазирли-гига юборилади;

иккинчи босқичда Адлия вазирлиги келиб тушган ҳужжатлар юзасидан “Ijro.gov.uz” тизимида топшириқ мuddати ва масъулларни белгилайди;

учинчи босқичда масъул ижрочилар ушбу топшириқлар ўз вақтида, сифатли, самарали ҳамда натижадорлик билан ижро этилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир топшириқ бўйича аниқ механизмларни бел-гилаган ҳолда “йўл харитаси” тайёрлайди, тасдиқлайди ва ижрога қаратади;

тўртинчи босқичда Адлия вазирли-ги топшириқлар ижроси бўйича масъул ижрочилар томонидан “Ijro.gov.uz” тизими-га киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочиға қайта ишлаган ҳолда таъминлади. Шунингдек, қонун-чилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради;

бешинчи босқичда Вазирлар Маҳкамаси “Ijro.gov.uz” тизимида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-лари, хўжалик бирлашмалари томонидан киритилган ҳамда Адлия вазирлиги томо-нидан текширилган маълумотлар тўлиқли-ги ва ҳаққонийлигини текширади. Уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочиға қайта ишлаган ҳолда таъминлади. Шунингдек, ҳар ойда раёсат мажлисларида қонунчилик ҳужжат-лари ва топшириқлар ижроси натижадор-лигини танқидий кўриб чиқади ва Ўзбе-кистон Республикаси Президенти Адми-нистрациясига тегишли таклифлар билан биргаликда умумлаштирилган маълумот киритади;

олтинчи босқичда Ҳисоб палатаси “Ijro.gov.uz” тизимиға масъул ижрочилар то-монидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва ҳу-кумат томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади. Уларни назоратдан ечади ёки масъул ижро-чиға қайта ишлаган ҳолда таъминлади. Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижро ҳолати бўйича ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсия-сига ахборот киритиб боради;

еттинчи босқичда Ўзбекистон Республи-каси Президенти Администрацияси қонун-чилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси-ни назорат қилувчи ташкилотлар фаолияти-ни мувофиқлаштиришда ҳамда уларнинг ижро мuddатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида якуний қарор қабул қилади.

Ҳужжатлар ижрочиларға қанчаллик тез етиб борса, уларнинг ижроси ҳам ўз вақти-да ташкил этилади. Энг муҳими, қимматли вақт ресурслар ҳужжат айланишига эмас, балки топшириқнинг сифати адо этишга сарфла-нади.

Шунга кўра, давлат органлари ва таш-килотларида ҳужжатлар келиб тушгандан **уч кун мuddатда** (агар ҳужжатнинг ўзида бошқа мuddат кўрсатилмаган бўлса) улар бўйича аниқ ижрочилар, мuddатлар ва **бажариш механизми** кўрсатилган топши-



риқларни тайёрлаш, уни имзотиши ҳамда ижрочиларға етказиш чоралари кўрилиши лозим.

Ҳозир қонунчилик ҳужжатлари ва топши-риқларини рўйхатга олишдан бошлаб, унинг ижро механизмиларини белгилаш ва ижроға қаратиш, ижросини таъминлаб, ахборот киритишға қадар бўлган жараён, жумладан, ижро ҳолати юзасидан муносабат (таъсир чоралари, кўрсатма ва бошқалар), яъни улар билан боғлиқ ҳар қандай жараён тўлиқ



электрон платформа орқали автоматлашти-рилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Худудларда ишни ташкил этишда агар ҳужжатларда ҳокимликлар, давлат орган-лари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашма-ларининг худудий бўлимлари тўғридан тўғри масъул ижрочи этиб белгиланган бўлса, уларнинг назорати худудий миқёсда ҳам горизонтал амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тош-кент шаҳри ҳокимликлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, давлат орган-лари ва ташкилотлари, хўжалик бирлаш-маларининг худудий бўлимларида топши-риқларнинг ижро қилиниши доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб боришмоқда.

Худудий адлия органлари ҳужжатлар ижро натижаларининг тўлиқлиги ва ҳаққо-нийлигини, жумладан, амалий натижалар-ни кўздан кечириш мақсадида жойларға чиқиш орқали ўрганмоқда. Ижро мuddа-ти яқинлашган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича зарур ҳолларда худудда жойлашган идораларға ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш чораларини кўр-моқда.

Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, муайян соҳадаги сисётасни амалга ошириш бўйича топшириқнинг барча ижрочилари назорат қилинмоқда. Ҳар бир топшириқ ижросини таъминлаш учун давлатимиз раҳ-барининг ҳужжатлари орқали тақдим этил-ган барча имкониятлар ишга солинганига комплекс баҳо берилмоқда. Бу тизим топши-риқдан кўзланган якуний мақсадға эри-шилганини ҳам бевосита назорат қилмоқда.

2024 йилда вазирлик ва идораларнинг 656 нафар раҳбар-ҳодими стажировка ўтади, 355 ходими “Ijro.gov.uz” тизимида ишлаш ҳамда топшириқлар ижроси мониторинги ва ҳисобдорлигини ташкил қилиш бўйича малака оширди. 40 та ташкилотда сайёр семинар ташкил қилиниб, ижро жараёнида юзага келаётган муаммолар муҳокама қилиниши ва тегишли тавсиялар берилди.



“Сервис давлат” тизимини жорий қилиш, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар-да бюрократик тартиботларға барҳам бериш белгиланган.

Кўрилган амалий тадбирлар натижасида айрим давлат хизматларидан фойдаланишда ариза бериш жараёни “3 қадам”, “фойдала-нуви учун мослаштирилган” тамойили асосида соддалаштирилди, аҳолидан тал-лат этиладиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати қисқартирилди.

Натижада мазкур хизматларда қадамлар сони 54 тадан 29 тага туширилди, талаб этиладиган маълумотлар 150 тадан 85 тага қисқартрилди ҳамда мазкур давлат хиз-матларидан фойдаланишнинг ўртача вақти 5 дақиқадан 2 дақиқачага туширилди.

Берилган топшириқлар асосида давлат боғчалари сони 6915 тага ва нодавлат боғча-лар сони 31 минг 140 тага (864 та хусусий, 28 минг 739 та оилавий ва давлат-хусусий шериклик асосидаги, 1537 та нодавлат) ет-казилди. Натижада 2 миллион 320 мингдан ортиқ ёки 76 фоиз бола мактабғача таълим билан қамраб олинди.

Ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий кўл-лаб-қувватловға мухтож 729 мингта оилани



Биргина “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оши-ришга оид давлат дастури 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад, 420 та банд-д иборат бўлиб, 312 та амалий тадбир режасини бажариш ҳамда 108 та норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Давлат дастуридаги айрим топшириқлар-нинг натижадорлигиға тўхталиб ўтсак. Ма-салан, давлат хизматларини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш орқали аҳоли учун

камбағалликдан чиқариш бўйича манзил-ли индивидуал дастур ишлаб чиқилиб, ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 976,9 минг фуқаро ишга жойлаштирилди, 125,9 минг касб-хунар ва тадбиркорлик-ка ўқитилди, 227,4 минг кишиға имтиёзли кредит, 31,8 мингта субсидия ажратилди, 44,7 мингнинг олий таълим ўқув-шартно-ма пули қопланди, 14,2 мингта деҳқончи-лик учун ижара ер майдони ажратиб бе-рилди. Натижада мамлакатда камбағаллик даражаси йил бошиға нисбатан камайиши-ға эришилди.



Мана шундай комплекс натижадорликка эришиш ижро интизоми мустаҳкамлаш бўйича жорий қилинган механизмларнинг пировард мақсадиридир.

Ижрочилар ишни қандай ташкил этиши керак?

Шахсий масъулият ва темир интизом ижро натижадорлиги қафолатидир. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳуж-жатлар ижро ҳолати тўғрисида маълумотлар-нинг ўз вақтида тақдим этилишини таъмин-лаши шарт. Топшириқлар ижроси самарали амалга оширилишиға тўсқинлик қилаётган объект-ив, субъектив сабаблар, муаммолар аниқланса, уларни бартараф этиш бўйича тез-кор таклифлар ишлаб чиқилиб, юқори туруви-чи идоратға ахборот киритилиши лозим. Яъни ҳар битта ҳолатта нисбатан тезкор муносабат бил-дириш, топшириқ ижросини якуниға етказмас-лик хавфи келиб чиқишиға фавақуллада ҳолат сифатида қаралиши керак.

Шу билан бирга, давлат органлари ва таш-килотлари фаолиятида ижро интизоми мустаҳкамлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадға мувофиқ: **биринчидан**, топшириқлар ижросини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш бўйи-ча ишларни бажаришда давлатимиз раҳба-рининг ижро интизоми мустаҳкамлашға қаратилган фармони ва қарори билан бел-ги-ланган тартибларға қатъий амал қилиш; **иккинчидан**, вақтин тўғри тақсимлаш ҳамда топшириқларнинг ижро мuddатидан олдин барвақт бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш;

учинчидан, раҳбарлар томонидан ижро интизоми ҳолатини ҳар ҳафта шахсан муҳокама қилиб бориш;

тўртинчидан, топшириқларни тўлиқ ба-жартирган, кечиктириб бажарган ёки умуман



ижросини таъминламаган раҳбар ва ходим-ларға нисбатан қатъий интизомий жавоб-гарлик масалаларини кўриб чиқиш; **бешинчидан**, вазирликлар, идора ва маҳал-лий ҳокимликлар томонидан ўзаро ҳамда назо-рат қилувчи органлар билан жонли мулоқот ва самарали ҳамкорликни кучайтириш.

Қандай ишлар қилинмоқда?

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг ҳужжатлари ижро-сини назорат қилиш бўйича алоҳида бошқар-ма фаолият юритиши. Топшириқлар ижро натижаларини келишиш ёки қайтаришда ҳар бир топшириқ ижро этилиши бўйича маълум-отларға холис баҳо бериш мақсадида те-гишли мезонлар белгилаб берилган.

Бунда топшириқ ижросиға оид маълумот-лар қонунийлик, долзарблик, тўлиқлик, ҳаққонийлик, масъулиятлик каби мезо-нларға жавоб бериши керак.

Вазирлик томонидан топшириқлар ижро-си бевосита жойиға чиққан ҳолда, ман-зилли ва тематик ўрганишлар воситасида ҳам назорат қилиб боришмоқда.

Манзилли ва тематик ўрганишлар дастури-ға мувофиқ 8 та, алоҳида топшириқлар асоси-да 38 та идорада ўрганиш ўтказилди, 5800 дан ортиқ топшириқ ижроси худудий адлия орган-лари томонидан жойиға чиққан ҳолда монито-ринг қилинди.

Адлия органлари томонидан топши-риқлар ижросини таъминлашда ижрочилар-ға доимий равишда ҳуқуқий-услубий кўма-клашишмоқда. Ижро интизоми бузилиши ҳо-латларининг олдини олиш мақсадида аниқ таъсир чоралари қўлланиб, топшириқларни бажартириш чоралари кўриб боришмоқда.

Ўз навбатида, ўрганишларда аниқланган, ижросини ташкил этишда муаммолар юзаға келган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлашда ижрочи ташкилотлар билан мунтазам жонли мулоқот ўтказилиши ҳамда тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилмоқда.

Шу билан бирга, 2024 йилда вазирлик ва идораларнинг 656 нафар раҳбар-ҳодими ста-жировка ўтади, 355 ходими “Ijro.gov.uz” ти-зимида ишлаш ҳамда топшириқлар ижроси мониторинги ва ҳисобдорлигини ташкил қи-лиш бўйича малака оширди. 40 та ташкило-тда сайёр семинар ташкил қилиниб, ижро жа-раёнида юзага келаётган муаммолар муҳока-ма қилиниши ва тегишли тавсиялар берилди.

“Алоҳида назорат” ҳамда “Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда” руқни остида 28 та кўрсатув тайёрланиб, телека-наллар орқали эфирға узатилди.

Ижро натижадорлиги баҳолаб борилади

Шу билан бирга, энди давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, масъул раҳ-барларнинг ижро интизоми бўйича фао-лияти тегишли кўрсаткичларға мувофиқ баҳолаб борилади.

Баҳолаш давлат органлари ва ташкило-тлари томонидан давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ўз вақтида, сифатли, самар-али ҳамда натижадорлик билан ижро этилгани, маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, кўзланган мақсадлар-ға, яъни кўрсаткичларға эришилгани каби устувор индикаторлар асосида амалга оширилади.

Бунда қатъий талаб, темир интизом ва ижросини ўз вақтида, сифатли ташкил этма-ган раҳбарларға нисбатан тегишли чоралар кўрилиши назарда тутуви рақамлаштирил-ган ижро тизими йўлга қўйилди.

Бу амалиёт ҳам топшириқлар ижро ҳолати-ни таъминлашда самарасини кўрсатади ҳамда масъул раҳбарларнинг бу борадаги масъули-яти ва шахсий жавобгарлигини янада оши-ришға хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Хулоса

Тажрибадан маълум: муайян соҳа ёки тар-моқда натижадорликка, самарат эришиш негизида ишға муносабат, қатъий интизом, юккас масъулият каби сифатлар ётади. Айниқ-са, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлаш барча даражадаги дав-лат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг энг масъулиятли вази-фаларидан бири бўлиши шарт.

Зеро, масъулиятсиз раҳбарлар, бошқару-вининг ўрта ва қуйи бўғинлари мутахассисла-риға нисбатан либерал муносабат ижро ин-тизоми самарасиз даражада эканидан далолат берадиган ҳолатлар сифатида намоеён бўлади.

Бугуннинг гапи

Бошланиши 1-бетда

— Маҳалла банкири штатига асосан, кўп йиллик иш тажрибасига эга, аҳоли ва тадбиркорларга бизнес юртида ёрдам бера оладиган мутахассислар танлаб олинди, — дейди Марказий банкнинг Тошкент вилояти бош бошқармаси бўлим бошлиғи Эрали Абдувалиев. — Улар кўпроқ банк соҳаси ходимларидан иборат. Ўз номи билан маҳалла банкири дейилганга ва шу тизим ходимлари кредит олиш, маблағни тўғри йўналтириш каби иқтисодий масалаларни яхшироқ тушунади. Маҳалла банкири штатларини таъсис этиш ва тегишли тартибда ойлик маош тўлаш айнан тижорат банкларининг зиммасига юклатилгани боиси ҳам шунда. Бу масалада Тошкент вилоятидаги маҳаллалар билан 9 та давлат банки ва филиаллари ишлапти. Янги тизим доирасида ҳоқимликлар ва банклар ўзаро ҳамкорликда маҳалла даражасида ишлаши керак. Жорий йилда Тошкент вилоятида 350 мингдан зиёд кишини банклар орқали банд қилиш режалаштирилган. Шу мақсадда 22 та туман ва шаҳар ҳоқимликлари ҳамда банклар ўртасида аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Жараёнинг дастлабки кунлариданоқ ҳоқимлик



вакиллари иштирокида тадбиркорлар билан учрашув ўтказиб, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ечимини излаш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш чораларини кўришга киришганми. Аҳоли билан хонадонбай ишлашда эса маҳалла банкирлари асосий ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

ҳақида ўйламансангиз ҳам улар хонадонингизга кириб келиб, таклиф беради. Чунки маҳалла банкири ўзига бириктирилган маҳалладаги ҳар бир хонадон билан алоҳида ишлайди. Қолаверса, у маҳалладаги тадбиркорлик имкониятини ўрганади, аҳоли ва кичик бизнес вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг

Тартиб қандай?

Ҳозир кўпчилик бир вақтлар банкка бориш деса юрак ҳовучлаб тургани, бирор хизматидан фойдаланиш учун қатнайиб-риб сарсон бўлгани, кредит олиш-ку минг азобга айланганини эслолмас керак. Чунки тизим анча ислоҳ қилиниб, хизматлар рақамлашган, одамларнинг улардан фойдаланиши ҳам қулайлашди. Тижорат банклари чин маънода одамлар учун хизмат қила бошлади. Уларнинг энди маҳаллаларгача кириб бораётгани ҳам кичик воқеа эмас.

Тасаввур қилинг, бирор лойиҳани амалга ошириш учун кредит олмакчи бўлсангиз, банкка боришингизга зарурат йўқ, маҳалла банкирига мурожаат қилишингиз ўзи етарли. Ҳатто лойиҳа

МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ ИШ БОШЛАДИ



аниқлаштириб оляпмиз. Шу асосда ишлар ташкил этилади. Чунки олдимизда иш ўринлари очиб, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларни камбағалликдан чиқариш вазифаси турибди. Дастлаб ҳар чоракда ҳар бир маҳалладан 10 тадан хонадон танлаб олинди, ўша оиланинг йиллик даромадини ўртача 60-70 миллион сўмга етказиш режасини туздик.

Айни пайтда Тошкент вилоятида камбағаллик даражаси 7,2 фоизни ташкил этапти. Бу ўтган йили 16 мингдан зиёд оиланинг яшаш шароити яхшиланиб, камбағалликдан чиқарилиши ҳисобига камбағаллик даражаси 3 фоиз камайганидан қолган кўрсаткич. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 4 фоизга тушириш мақсад қилинган.

Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчида ана шундай мақсадларга йўналтирилган ишлар бажарилляпти. Лойиҳаларнинг молиявий манбалари ҳам яратиб берилмоқда. Хусусан, жорий йил аввалиданоқ давлатимиз раҳбари тошпириги билан юртимиздаги тижорат банкларига “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида 1 миллиард долларлик кредит ажратилди. Қолаверса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича банклар томонидан 300 миллион сўм миқдорда шартсиз кредит бериш бошланади.

Бу маблағни тўғри ва тартибли йўналтириш ҳам муҳим. Аҳолига кредит олишдан олдин ундан самарали фойдаланиш йўллари ўргатиш, аниқ лойиҳалар ишлаб чиқишга кўмаклашиш зарур. Бу борада маҳалла банкирлари яқин кўмакчига айланиши кўзда тутилган. Мазкур тизим аҳолини самарали қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда иқтисодий фаолликни оширишнинг янги босқичини бошлаб беради.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Айни пайтда Тошкент вилоятида камбағаллик даражаси 7,2 фоизни ташкил этапти. Бу ўтган йили 16 мингдан зиёд оиланинг яшаш шароити яхшиланиб, камбағалликдан чиқарилиши ҳисобига камбағаллик даражаси 3 фоиз камайганидан қолган кўрсаткич. Жорий йилда ушбу кўрсаткични 4 фоизга тушириш мақсад қилинган.

Мақсад аниқ қўйилган

Тошкент вилояти Зангиота туманининг Богзор, Токзор ва Чорбоғ маҳаллаларига бириктирилган маҳалла банкири Шавкат Сувонов ишни ҳудудларни ўрганиб, белгиланган кўрсаткичлар бўйича камбағал оилалар рўйхатини шакллантиришдан бошлади. Ўзи 10 йилдан зиёд вақт давомида Зангиота туманидаги тижорат банкларида фаолият юритган. Мутахассис “Туронбанк” АТБ Зангиота тумани филиали томонидан билдирилган таклифни рад этмади ва шу ерда маҳалла банкири бўлиб бошлиғи лавозимида иш бошлади. Унга олдинги ишидан кам бўлмаган миқдорда ойлик маош тайинланган.

— Банкимизга Зангиота туманидаги 36 та маҳалла бириктирилган. Ишни 12 та маҳалла банкири ва 36 та “ёрдамчи агент” штатини тўлдирибдан бошладик, — дейди Ш.Сувонов. — Ҳар биримиз ўзимиз масъул бўлган маҳаллани айланиб, хонадонларни битталаб ўрганишимиз. Одамларнинг эҳтиёжи, талаби, имкониятларини

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ғоясини лойиҳага айлантириш орқали янги иш ўринлари очиб чорасини кўради. Одамларга кредит олиш, қайтариш, бизнесини йўлга қўйиш, махсуслотини сотишни ўргатади ва кўмаклашади.

Бу вазифаларнинг барчаси биргина маҳалла банкири зиммасида эмас. Унга кўмаклашадиган “ёрдамчи агент” ҳам бўлади. У маҳалладаги ҳар бир хонадонни яхши биладиган, аҳоли орасида банк хизматларини омалаштириш, молиявий саводхонликни ошириш, аҳоли ва тадбир-

корлик субъектларини банк хизматларига қизиқтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш бўйича маҳалла банкирига кўмаклашувчи жисмоний шахсдир.

Айни пайтда барча ҳудудларда “ёрдамчи агент”лар танлаб олинляпти. Мутахассисларнинг айтишича, Тошкент вилоятидаги 1025 та маҳалланинг ҳар бирида шундай ёрдамчи бўлади. У ҳам тегишли тижорат банклари билан шартнома асосида фаолият юритади.

ДУНЁНИНГ 22 ДАВЛАТИГА ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ ЭКСПОРТ

Таълим

Жорий йилда Фарғона вилояти иқтисодиёт тармоқларига 3,7 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этилади. Бу ўтган йилга нисбатан 1,2 баробар кўп. Бундан 7-8 йил аввал вилоятда хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги марра бор-йўғи 500 минг долларни ташкил этган. Бугунга келиб бу миқдор ҳажми миллиардларга етди. Ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1,8 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, 35 та йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Вилоятда саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 1182 та лойиҳа ишга тушди, 36 мингдан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Бунда ип-калава, тикув-трикотаж, кимё, ДСП, МФ, плиталар, ойна ва ундан ясалган буюмлар, электротехника, чарм, фармацевтика тармоқлари драйвер соҳага айланди.

Ўтган йил давомида махсуслотлар экспорт географияси 22 та давлатга кенгайиб, умумий қиймати бир миллиард доллардан ошди. Улар қаторида Ўзбекистон бозори учун янги имконият эшикларини очган Миср, ЖАР, Марокаш, Перу, Коста-Рика, Колумбия, Канада, Англия, Сербия, Словакия, Аргентина, Иордания, Франция, Қувайт сингари мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик кўлами кўндан кўнга кенгайиб бормоқда. Масалан, махсуслотлар экспорти Италия, Япония, Испания ва Саудияга тўрт баробар, БАА, Тунис ва Туркияга уч марта кўпайди.

Бу беҳиз эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар, айниқса, либераллашадиган иқтисодиёт хорижий инвесторларга бериладиган имтиёз ва имкониятлар тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу жараёнлар Ўзбекистон Республикасини Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Европа ва қолган ҳудудлар билан боғловчи кўприк бўлишига замин яратди.

— Вилоятимиз халқаро майдонда ўз ўрнини топиб, инвестициявий жозибадорлиги ошиб бораётгани дунёнинг энг нуфузли “S&P Global Rating” (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги томонидан таҳлил қилиниб, мустақкам молиявий



индикаторлари ва юқори иқтисодий ҳолатига учун “В+”, яъни “барқарор” даражасидаги кредит рейтингига эга деб топилди, — дейди Фарғона вилояти ҳоқимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов. — “В+” рейтинг кўрсаткичи дунёда иқтисодий ҳолати барқарор ва молиявий жиҳатдан қарздорлиги бўлмаган ҳамда соғлом инвестицион муҳитга эга ҳудудларга берилиб, халқаро доирадаги ҳолати ижобий поғонада эканини билдиради. Ҳисоботда Фарғона вилояти бюджетининг ўсиш кўрсаткичлари ҳамда тижорий

ВИЛОЯТДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРГА ХИЗМАТ САФАРЛАРИГА ЮБОРИШ, ТАЖРИБА ОШИРИШ ОРҚАЛИ ҲАМКОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ДИОРАСИДА ИМЗОЛАНГАН ҲУҶЖАТЛАР БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАЛГАН “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”ГА КўРА, ҚИЙМАТИ 5,2 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР БЎЛГАН 158 ТА ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ.

қарздорлик мавжуд эмаслиги вилоятнинг дивидлик кўрсаткичлари юқори барқарорликни сақлаб қолиши алоҳида эътироф этилди. Ижобий халқаро рейтинг кўрсаткичига эришишда вилоятда фаол ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар ҳамда ва жадал ташқи савдо динамикасига ижобий таъсир кўрсатди.

Хорижлик ишбилармонлар оқимини кўпайтириш, савдо-иқтисодий ва инвестиция имкониятларини кенг намойиш этиш мақсадида 2024 йилнинг 17-18 октябрь кунлари Қўқон шаҳрида “Фарғона — водий гавҳари. Инвестициялар ва туризм истиқболлари” мавзусида биринчи халқаро форум ўтказилди. Форум доирасидаги тадбирларда дунёнинг 30 дан ортқ мамлакатидан 250 га яқин тадбиркор қатнашди. Ўтказилган музокараларда умумий қиймати 223,3 миллион долларлик 25 та инвестиция келишув ва савдо битимлари имзоланди.

Вилоятдаги тадбиркорларни саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларга хизмат сафарларига юбориш, тажриба ошириш орқали ҳамкорларни жалб қилиш доирасида имзоланган ҳужжатлар бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”га кўра, қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 158 та лойиҳани амалга ошириш борасида иш олиб бориляпти.

Жанубий Корея ишбилармонлари билан умумий қиймати 219 миллион долларлик 12 та лойиҳа бўйича манзилли келишувларга эришилди. Корея ишбилармон доира вакиллари вилоятга ташрифини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган махсуслотларни Кореяга экспорт қилиш ҳамда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Корея давлатида “Фарғона — Чунгчонгнамдо” савдо уйи ташкил этилди. Жанубий Кореянинг “POSCO textile Fergana” корхонаси Фарғона вилоятида ип-калава ишлаб чиқариш тармоғида самарали иш олиб бораётган корхоналар сирасига кирди. Ушбу мамлакатнинг “POSCO International” корпорацияси ташаббуси билан Ёзёвон тумани ҳудудида пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилди.

Фарғона шаҳрида германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда “Teamdress holding GmBh” МЧЖ хусусий корхонасида қиймати 3,2 миллион долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига махсус кийим-бош ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 200 та янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигиндаги “Fergana spinning” МЧЖ қўшма корхонаси қиймати 10,5 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси асосида газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёси юқори сифати, пишиқлиги ҳамда замонавий тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб бериши билан жаҳонда намойиш, — дейди корхона раҳбари Илёс Ураимов. — Бугунги кундаги устувор вазифалардан бири маҳаллий хомашёлардан қўшилган қиймат занжирини яратиш. Лойиҳа доирасида тайёр мато ва кийимлар ишлаб чиқарилиб, экспортга чиқариламоқда.

Кўлами кенг ислохотлар жорий йилда янада ривожланмоқда. Шаҳар ва туман ҳоқимликлари ҳамда Марказий банк билан ҳамкорликда Жаҳон банки маблағларидан молиялаштирилиши кўзда тутилган умумий қиймати 34 миллион долларлик



28 та истиқболли лойиҳа манзилли рўйхати шакллантирилди.

— Президентимизнинг 2024 йил 3 декабрда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган йиғилишида белгилаб берилган тошпириқлар ижроси доирасида умумий қиймати 6 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ўзлаштирилиши ҳисобига 44 мингта юқори даромадли янги иш ўрни яратилади, — дейди Нуриддин Мамажонов. — Данғара туманида хитойлик ишбилармонлар билан қиймати 10 миллион доллар бўлган гайка ва болт ишлаб чиқариш лойиҳаси, Учкўприк туманидаги “Ён Хин” хорижий корхонаси томонидан керамак плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси фаолият бошламоқда. Лойиҳа ҳисобига 500 та янги иш ўрни ва 3 миллион квадрат метр махсуслот ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилади. Вилоятда 95 та корхона ташкил этилиб, 10 та янги турдаги махсуслот, каврак, шафран сингари доривор гиёҳлар экспорти йўлга қўйилади.

Қувасой шаҳрида “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди 210 гектарга кенгайиши ҳисобига 1 миллиард доллар қийматта

эга 185 та лойиҳа амалга оширилади, 11,8 мингта иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил 11-12 июлда Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган тошпириқларига мувофиқ, Қўқонда махсус саноат зонаси — “Кўқон технопарки”ни ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Технопарк ажратилаётган 230 гектар ер майдонида дастлабки босқичда 1,5 миллиард долларлик лойиҳаларни бошлаш ва 5 мингдан ортқ юқори даромадли иш ўрни яратиш режа қилинган. Бундан ташқари, туман ва шаҳарлардаги 1210 гектар ер майдонларида махсус саноат зоналарини ташкил этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб бориламоқда.

Сирасини айтганда, мамлакатимизда тадбиркор ва хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар кўлами кенг, ранг-баранглиги билан эътиборни тортади. Бу ҳудудлар саноат салоҳиятини ривожлантириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга хизмат қилаётгани билан ажралиб туради.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Юксалиш палласи

Миллатни миллат, давлатни давлат қиладиган дунёда тан олинган ўлчовлар мавжуд бўлиб, улардан бири таълим тизимидир. Дунё таълим тизимига назар ташласак, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланган мамлакатларнинг таълим сифати даражаси юксак ўринларда туради. Бундай давлатларда таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши бажиз эмас. Сабаби мамлакатнинг келгуси равнақи айнан таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқ.



ТАШАББУС ВА ЭЗГУ ҲОЯЛАРДАН АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА

БУ ЙЎЛ МАМЛАКАТНИ ОЙДИН КЕЛАЖАККА ЭЛТАДИ



Раима ШИРИНОВА, филология фанлари доктори, профессор

“Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбия”, дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. Бугунги кунда ёшларни билим ва малакали этиб тарбиялаш, жаҳон тараққиётига мос, рақобатбардош кадрлар қилиб камол топтириш мақсадида таълим тизими изил ривожланиб бормоқда. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларидан олийгоҳлар биносигача янги қиёфага кирди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Айниқса, республикамизда ёшларнинг сифати таълим олиши, ўз устида ишлаб, етуқ кадр бўлиши учун барча шартлар яратилган ҳамда имконият эшиклари очилди.



Бу натижалар университетнинг глобал миқёсда илмий ва академик изланишлар орқали нуфузини оширишдан далолат беради. Шунингдек, “QS Asia — 2025”, яъни Осиё университетлари рейтингига 242-ўринни эгаллаб, ТОП-300 университетлар қаторидан жой олди. Мазкур рейтингнинг хорижий профессор-ўқитувчиларнинг университетга жалб қилиниши — халқаро ҳамкорлик кўрсаткичи бўйича 49-ўринни эгаллаб, 50 та энг кучли университет қаторига кирди. Бу ўз-ўзидан хорижий ҳамкорларни университетга жалб қилиш, ҳамкорликда илмий мақолалар ва лойиҳалар фаол олиб борилаётганидан далолат.

Times Higher Education (THE) халқаро олий таълим таҳлили агентлиги жорий йилда 2025 йил учун дунёнинг энг яхши университетлари рейтингини — “THE World University Rankings-2025” натижаларини эълон қилди. Ўзбекистон Миллий университети рейтингда 1001-1200-ўринларни қайд этиб, дунёнинг энг кучли университетлари қаторидан ўрин эгаллади. Мазкур агентлик томонидан тартибланадиган “THE Impact” рейтингини натижаларига кўра, мазкур олийгоҳ 16 та Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича дунёда 601-800-ўринларни қайд этиб, ўтган йилги натижаларга кўра 500 поғона юқорига кўтарилганини кўрсатди.

Бугунги кунда филиалимизда беморларда бу каби мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун барча шартлар яратилган. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ва малакали мутахассисларни ўқитиш, республикадаги тиббиёт муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик бу жараёнларга имконият яратмоқда. Юқори



Мамлакатимиз олийгоҳларининг халқаро рейтингларда иштирок этиши ҳар бир олий таълим муассасасига бир қанча устунликлар беради. Масалан, абитуриентларга таълим бозори ҳолати ҳақида ҳар томонлама тасаввурга эга бўлишига ёрдам кўрсатади, бу эса олийгоҳга хорижий ёшларни жалб қилишига олиб келиши билан бир қаторда университет иш ўринларининг барқарорлигини таъминлайди.

Университетларнинг илмий тадқиқотлар, халқаро алоқалар, ўқитиш ва талабалар мобиллиги ҳамда талабаларга кўрсатиладиган хизматларини янада ривожлантиришига йўл очади. Ўз навбатида, олий ўқув юртлигининг халқаро танилиши хорижий ҳамкорлар билан илмий ҳамкорликни кенгайтириш ва сармоядорларни жалб қилиш имкониятини оширади. Айниқса, энг кучли университетлар рейтингига кирган ОТМ битирувчилари кўпинча муваффақиятли ишга жойлашиши имкониятига эга бўлади. Чунки иш берувчилар уларнинг дипломларини сифат белгиси сифатида қабул қилиши ва бундай университет битирувчиларига талаб доимо юқори бўлиши мумкин.

Бу устунликларни ва барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидан борган Ўзбекистон Миллий университети ўтган вақт ичида профессор-ўқитувчилар томонидан нуфузли халқаро журналларда илмий мақолаларнинг чоп этилиши, журналларда иқтибослик натижалари, умуман, дунё олимлари орасида танилиши ҳамда хорижий талабаларнинг университет ўқув жараёнига жалб қилиниши борасида олиб борилган амалий натижалар ўлароқ беш йил ўтиб ўз самарасини берди.

Дунё таълим шохсупасида етакчи олий таълим муассасаси сифатида танилиш бир кун ёки бир йилда бўладиган жараён эмас, албатта. Бу учун йиллар, пухта ўйланган режа ва чексиз меҳнат талаб этилади. Халқаро эътироф ортида узоқ ва самарали меҳнат ҳамда укувли бошқарув ётади, десак муболага бўлмайди.

Бугунги олий таълим, бу — шунчаки билим бериш жараёни эмас, балки Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда келажақдаги иқтисодий ва интеллектуал кудратини мустаҳкамлашнинг калитидир. Сўнгги етти йил давомида Ўзбекистон олий таълим тизими нафақат республикада, балки жаҳон халқаро таълим бозорида рақобатбардош, глобаллашув жараёнига жавоб берадиган, касбий малакаларни мукамал эгаллаган кадрларни етиштиришга қатта эътибор қаратмоқда. Бу йўлда тинмай ислохотлар олиб бормоқда. Бинобарин, таълим соҳасига қаратилган эътибор мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти гаровидир ва Ўзбекистон олий таълим тизими айнан шу йўлда илдам қадам ташламоқда. Zero, кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, олий таълим ислохотлари орқали мамлакатимизда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдевори бунёд этилмоқда.

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЯНЧИ

Нуктаи назар



Лутфулла БОЗОРОВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучи инсон, унинг баркамол ривожланиши, фаровонлигини таъминлаш, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит ва самарали механизмларни яратишдир.

Шу ўринда бугунги кунда таълим соҳасида илғор бўлган Швеция, Германия ва Сингапур каби мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш ва қўллашга қатта эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ деб ўйлаймиз.

Масалан, Швецияда касбий таълим тизими жадал технология ривожланиш ва ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олиб доимий янгилашиб боради. Швеция таълим тизими иш берувчилар ҳамда давлат ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиб, касбий таълимни инновацион ёндашувлар асосида мустаҳкамлаб бориши билан диққатга сазовор. Мамлакатимизда Швеция таълим тизимини қўллаш экологик ва ижтимоий масалалар билан боғлиқ янги касблар ва технологияларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Сингапурда эса касбий таълим тизими давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзига хос ҳамкорликка асосланади. Бунда иш берувчилар ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этади ҳамда касбий таълим сифатини оширишга қатта ҳисса қўшади.

Мамлакатимиз касбий таълим тизими ҳам давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни бундан-да кучайтириш мақсадида мувофиқ. Бунда хусусий секторни таълим жараёнига кенроқ жалб қилиш, ўқув дастурларининг сифатини ошириш ва янги мутахассисларни кўриб бориш асосий вазифа бўлиши керак.

Давлат томонидан касбий таълим тизимини ривожлантириш учун ресурслар ажратилиши, инфратузилма яратилиши, ўқув дастурларини модернизация қилиш ва ўқувчиларни замонавий талаблар асосида тайёрлашнинг қўллаб-қувватланиши яхши самара бериши алоқадор иш бўлади.

Бундан ташқари, давлат самарали ёндашувларни миллий таълим тизимимизга тезроқ мослаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Касбий таълим фақатгина малакали ишчилар тайёрлашга қаратилган бўлибгина қолмай, балки миллий иқтисодиётнинг ўсиши, инновацион ривожланиш ва меҳнат бозорида барқарорликни таъминлашда ҳам етакчи омилидан биридир. Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон Ўзбекистоннинг касбий таълим тизими янада таъминлаштириш йўлида муҳим таълим вазифасини ўтамоқда.

Фармонда белгиланган мақсад ва йўналишлар халқаро таълим билан уйғунлашган ҳолда Ўзбекистонда касбий таълимни ривожлантириш ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларига мос келадиган кадрлар тайёрлашда муҳим қадамлар қўйилишини таъминлаш шубҳасиз. Бунинг учун эса белгиланган мақсадлар бекум қўст бажарилиши, амалга оширилган ишлар мунтазам таҳлил қилиб борилиши айнани мудо.



Тиббиёт

ХАВОТИРЛИ, АММО УМИДЛИ ЖАРАЁН

Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалининг жарроҳлик бўлимида навбатдаги буйрак кўчириб ўтказиш мураккаб амалиёти бошланди. Ҳар бир дақиқа кадрли, умр киймати, бемор яқинларининг ўй-фикри ушбу умидли жараёнда эди. 19 ёшли Чароскон буйрак етишмовчилиги ташхиси билан касалхонага ётқизилган ва унда жарроҳлик амалиёти ўтказиш лозимлиги мутахассислар томонидан ҳулоса қилинган...

Инсон тана аъзоларини кўчиришда асосан беморнинг яқинлари донор бўлади. Сабаби кўчириб ўтказилаётган тана аъзолари тўқималари бир-бириникига тўғри келиши, бунда эса кўпроқ яқин қариндошлар донор бўлиши муҳим ҳисобланади. — Қизим бир неча йиллардан буён шу дард билан курашиб келади. Оддий шунинг билан бошланган хасталик буйрак етишмовчилигига олиб келди, — дейди беморнинг онаси Меҳринисо Избосарова. — Тиббиёт ходимлари энг сўнгги чора

жарроҳлик ва буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти деганида, бунақа амалиётлар фақат хорижда қилинишини эшитганим учун имкониятимиз етмайди деб хавотирга тушгандим. Аммо шифокорлар бундай мураккаб трансплантация жараёнлари шу ернинг ўзида ҳам амалга оширилишини айтганида, бизда умид уйғонди. Отаси қизимга донор бўлишга қарор қилди. ...Малакали мутахассислар сый-ҳаракатлари билан навбатдаги мураккаб жарроҳлик амалиёти ҳам муваффақиятли ўтди. Таъкидлаш жоиз, ушбу филиалда сўнгги йилларда касалликларни даволаш ва ташхислашда, зарур бўлганда юқори технология жарроҳлик амалиётларини бажариш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Айниқса, тиббиётнинг энг мураккаб, ўта масъулятли ва айнани пайтда эҳтиёж ортиб бораётган трансплантология йўналиши бўйича ҳам Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази билан ҳамкорликда бошланган ишлар ўз самарасини бермоқда.



технология жарроҳлик амалиётларида шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларидан ҳам мутахассислар жалб қилиниб, уларнинг бу борада малакаларини оширишга алоқида эътибор қаратишмоқда. Авваллари бу каби амалиётлар фақат хорижда амалга оширилган бўлса, ҳозирда нафақат вилоят, балки шаҳар ва туманлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам

ўтказилмоқда, — дейди Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиали директори Баҳром Жалолов. Айни вақтда мазкур шифо масканида амалга оширилаётган юқори технология давлат усулларининг тури, сифати ва кўламини йилдан йилга ортиб борапти. Утган йил давомида Зарафшон, Ҳазрат шаҳарлари,

Қизилтепа ва Хатирчи туманларида 7 нафар беморда трансплантация амалиёти бажарилди. Эътиборли жиҳати, аъзо кўчириб ўтказилган беморларнинг соғлиғида жарроҳлик амалиётдан кейин тикланиш муваффақиятли кечмоқда.

Бундан ташқари, филиалда юртимиз ва хорижий етакчи клиникалари билан ҳамкорлик йўлига қўйилиши натижасида 2024 йилнинг ўзида бошқа йўналишларда ҳам кўп ўқув жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, Республика шoshiлинич тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда марказнинг Бухоро филиали билан ҳамкорликда илк марта лапароскопик нефроэктомиа амалиёти муваффақиятли бажарилди. Асосийси, амалиёт ўтказилган бемор аҳоли яхши ва шифокорлар назорати остида тегишли даво муолажаларини олмақда.

Албатта, соҳада замонавий технологияларни самарали қўллаш оладиган мутахассисларни ҳам ўз вақтида тайёрлаш муҳим ҳисобланади. Филиалда ўтказилаётган ҳар бир мураккаб амалиёт устоз-шогирд аъённаларига мос равишда олиб борилиб, маҳаллий мутахассислар учун ўзига хос таъриба мактабининг ўтамоқда. Жараёни Навоий давлат университети тиббиёт факультетининг талабалари бевосита онлайн кузатиб бориши имконияти ҳам яратилган. Ўтказилаётган

ҳар бир жарроҳлик амалиётлари ёрдамида беморлар соғлом ҳаётга қайтарилаётган бўлса, бу жараёнларнинг амалий иштирокиси бўлган талабалар касбий кўникмаларини шакллантирмоқда.

Мураккаб жарроҳлик амалиётларининг нафақат пойтахтида, балки вилоятлардаги даволаш муассасаларида ҳам муваффақиятли бажарилаётгани соҳанинг моддий-техник базаси ва тиббий кадрлар салоҳияти давр билан мунотосиб равишда таъминланиши бораётганини кўрсатади. Бунинг натижасида вилоятлар аҳлининг ушбу мураккаб амалиётлар учун пойтахтга ёки чет мамлакатларга даво излаб чиқиши, оворагарчиликларнинг олдини олади. Юқори технология амалиётининг самарали бажарилаётгани эса қўллаб беморларнинг дардини аришти, умрини узайтиришга сабаб бўлаётган. Натижада оилаларда соғлом муҳит ва фаровон турмуш қарор топиб, оналар ва болаларнинг бахтиёр ҳаёт кечирishi, муътабар кексаларимизнинг миннатдорлик ҳамда шукроналик ҳисси билан умргузаронлик қилишига замин яратмоқда.

Мухтасар айтганда, тиббиёт соҳасидаги ислохотларни мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги аҳоли ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Айниқса, Навоий вилоятининг чўл ҳудудларидаги овулларга ҳам замонавий тиббиётнинг етиб борагани юртимизда ана шу ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришилаётганидан далолат.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ САҲИФАСИ

РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ УЙҒУНЛИК

ёхуд кишики боғ қўйнидаги муҳташам манзара

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Айниқса, соғлом турмуш тарзининг асосий тамойилларидан саналган жисмоний тарбия саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда беқийс аҳамиятга эга. Қувонарлики, буни англаб етатган юртошларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Сўлим гўшалар, дам олиш масканлари, спорт майдончалари эрта тондан ҳаракатдаги юртошларимиз билан гавжам бўлиб бораётгани бундай дедишимизга асос бўлмоқда. Инсон ҳаётининг табиат билан боғлиқлиги, айниқса, истироҳат боғлари, дам олиш масканларида жисмоний машғулот қилаётган юртошларимиз ҳаракатлари, ўй-фикрларида яққол намоён. Шундай спортсеварлар билан суҳбатлашш учун пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бирига йўл олдик.

Камҳаракат яшаш йўсини оммавий тус олган, экологик муаммоларнинг глобал таҳдиди инсон саломатлигини ҳам четлаб ўтмаётган бир пайтда соғлом турмуш тарзига риоя этишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Хотиржам ва фаровон ҳаёт кечириш, кўплаб асоратли хасталикларнинг олдини олишда тўғри овқатланиш, мунтазам ҳаракатда бўлиш, кун тартиби ва ишни режим асосида ташкил қилиш, руҳий озоишталик муҳим ўрин тутаяди.

Бу ердаги йога айвони, мини футбол, пляж волейболи, теннис майдончалари эрта тондан соғлом турмуш тарзини танлаган юртошларимиз билан тўлган. Спортсевар ёшларнинг бири тўп тепган, яна бири волейбол тўпини тўрдан оширишга ҳаракат қилапти. Бадминтон майдончасида ҳам беллашув қизгани. “Workout” майдонидиги тренажёрларда йнгит-қизлар машғулот бажараяпти. Нарироқдаги очик жойда эса турли ёшдаги 25-30 чоғли юртошларимиз мураббий кўмагида бадантарбия машқларини бажариш билан банд. Уларга яқинроқ бордик. Иштирокчилар мураббийнинг кўрсатмаларини жон қўли билан тинглаб, унга қатъий амал қилмоқда. Табиат қўйнида, очик ҳавода бажарилаётган бу ҳаракатлар

бизга тараққийёт маҳсули бўлган барча қўлайликлардан чекиниб, табиийлик сари юзланганига ундаган мувозанатни эслатди. Ўзаро инсоний муносабатлар, интилишлар, мақсад сари қурашлар, йўлдаги тўсиқлар ва уни енгиб ўтиш борасидаги ечимлар ана шу ҳаракатлар силсиласида кўз олдимдан ўтди. Ажиб манзара. Бехитибёр кайфият кўтарилади. Ахир бу инсонларнинг ҳар бири саломатликка, жисмонан етуқликка интилоқда. Руҳан ва маънан бардамликка эҳтиёжи бор. Бир-бирига мулақо бегона инсонларнинг эрта тондан бир жойда жамланиши, мулоқот қилиши, табиат қўйнида жисмоний, ўз ўрнида руҳий тарбия билан машғул бўлиши замирида ана шу эҳтиёж устувор эканини ҳис қилиш қўйин эмас.



“ОБ-ҲАВОГА ПАРВО ҚИЛМАЙМИЗ”
— Гуруҳимиз “Пингвин” деб номланди, — дейди Мавлудохон Раҳмонқулова бадантарбия машқларини бажариш асносида. — Бежиз бундай номламаганимиз. Чунки қор ёки ёғин, совуқ ва изғирин об-ҳаво машғулотимизга ҳалал бермайди. Ёзнинг жазирима иссиғи, қишнинг қаҳратонида ҳам

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

“ОХИРГИ МАРТА ҚАЧОН ДОРИХОНАГА ИШИМИЗ ТУШГАНИНИ ЭСЛАЙ ОЛМАЙМАН”



Мутахассислар фикрича, бугун инсон соғлом турмуш тарзига амал қилиш орқали 100-120 ёшгача умр кўриши мумкин. Бунда, албатта, озиқ-овқат таъминоти, дам олиш, сифатли тиббий хизмат, яшаш ва ишлаш учун етарли шарт-шароит қаторида жисмоний юкларнинг ҳам ўрни алоҳида. Ҳаракат организм қувватини ошириши, ижобий, соғлом ўзгаришларга туртки беришини бугун тонгги сайрга чиққан, бадантарбия билан машғул ҳар бир юртошларимиз англаб етатгани, улар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарли. Ўзини дзодо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Абдукарим Тангриев

деб таништирган юртошларимиз суҳбатга қўшилиди: — Халқимиз “Соғ танда соғлом ақл” дея бежиз айтмаган. Оила аъзоларим учун табиат қўйнида, тоза ҳавода шугулланиш одатга айланган. Ҳар кун эрта-кеча шу ерга келамиз. Кимдир пиёда юради, кимдир югуради, тренажёрларда шугулланамиз, гуруҳда бадантарбия машқларини бажарамиз. Дорихоналар чекинган, охириги марта қачон касалликлар ишимиз тушганини эслай олмаيمан. Оилада руҳан тетиклик, маънавий соғломлик бор. Стрессларга ўрин йўқ. Спорт билан шугулланаркансиз, яшайдан кўнглингиз тўлаётганини ҳис қиласиз.

“СПОРТ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШНИ ЎРГАТАДИ”

“Инсон ўзини, табиатини борича қабул қиларкан, қалб хотиржамлиги, мақсадлар қўйиш ва уларга эришиш, ўзи ва турмуш тарзини бошқариш қобилиятига эга бўлади. Муҳими — шу қобилиятни ривожлантириш. Ёшлигимда заиф ва ниҳон бўлганман. Бир оз тортинчоқ эдим, ўзимга ишончим юқори эмасди. Шу босим, спорт билан шугулланишга қарор қилдим. Шу-шу спорт ҳамроҳимга айланди. Бора-бора мулоқот қобилияти яхшиланди. Ўз-ўзини ҳурмат қила бошладим. Бу атрофдагиларнинг менга ҳурматини оширди. Янгиликларга очик бўлдим. Шунинг эвазига муаммоларни ностандарт, аммо самарали усулларда ҳал қилишни ўргандим”.
Бу мен боғда, машғулотлар пайтида танишган 83 ёшли тренер аёлининг гапи. У билан узоқ суҳбатлашдик. Ўзини Любовь Ивановна дея таништирган аёл ҳар кун эрта-кеча машғулот ўташ учун шаҳарнинг бошқа чеккасидан шу ерга етиб келар экан. У жисмоний машқлар билан шугулланишни истасан ёшу кекса билан ишлайди. Машқлар бош, елка, қўл, оёқ, тизза — бутун организм фаолиятини яхшилашга йўналтирилган. Машғулотлар мулақо бепул.
Аёлининг юзига разм соламан. Енгил, дедарли сезилмайдиган табассум, ҳайратларни даражада жонли ифода юзига ўзгача маъно берган, камтарона бош қийимидан чиқиб турган оппоқ сочи

ҳаёти шунчаки ўтганидан дарак бериб турарди. У бажариётган машқлари каби раван ва шоймай сўзларди. — Спорт инсонга энг муҳим жиҳатларга эътибор қаратишни ўргатади. Ҳаётда сизни озурақларингизга эришишдан чағилтадиган кўп нарсалар бор. Ҳам руҳан, ҳам жисман таназулга олиб келиши мумкин бўлган бундай ҳолатларда жисмоний юкларга сизга қўмақ келади, — дейди у. Аёлининг соддалигидан кўнглим ёришади. Суҳбат мағзини таҳлил этарканман, ўзимча янги дунё очгандай хурсанд бўламан. Кишининг “ўз-ўзини топишга, ҳалолликка интилиши, бу дунёдаги қадр-қиммати ва аҳамиятини ҳис қилишга эҳтиёжи осон кечмаслигини биламан. Аммо бу эврилишлар инсонни физалати қилиши ҳам аён ҳақиқат.
“Психологларнинг таъкидлашича, жисмоний фаоллик одамни ташвиш ва руҳий тушқуликдан халос қиладди. Спорт нафақат жисмоний, балки ички, маънавий-руҳий қувватни оширади, янгиликлардан чўчмаслик, қийинчиликларга тик қараш, уларни енгиш, ўзини қайта тиклашни ўргатади”, дейди суҳбатдошим.
Ҳаёт сифатини ошириш, берилган умрни ақлий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан яхшироқ кечириш, ўзгаларга эзгулик илинишида ибрат бўладиган шундай инсонларнинг борлиги кўнглимга ойдинлик бағишлайди.

“10 МИНГ ҚАДАМ ЈОРИШНИ ОДАТГА АЙЛАНТИРГАНМИЗ”

Одамлар билан гаплашарканман, кўнглимга ёруғлик инди. Уларнинг барчаси жисмоний машғулотлар ҳаётига ижобий ўзгаришлар бераётгани, соғлиқ билан боғлиқ муаммолари барҳам топгани, саломатлиги, кайфияти яхшиланаётгани ҳақида сўзлайди. Бу эса бутунгиз шиддатли даврда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти нечоғлиқ ортаётганидан дарак беради. Аслида, бутун дунёда соғлиқни сақлаш ва муҳофазат этиш тенденциялари давом этмоқда. Аксарият кишилар зарарли оdatлардан воз кечиш, тўғри овқатланиш, нафақат жисмоний, балки руҳий саломатлигини яхшилаш имконини берувчи спорт турлари билан шугулланишга интилоқда. Бунинг учун юртимизда зарур шароит яратилган. Боғлар, дам олиш масканлари, спорт майдонлари соғлом турмуш тарзини истаётганлар билан тўлаётгани кўнглимга хотиржамлик беради. Улар билан суҳбатлашишга ҳаракат қиламан.
— Миробод туманида яшаймиз. Бу боғ уйимизга унча яқин бўлмасда-да, ҳар кун эрта-кеча турмуш ўртоғим билан 10 минг қадам юриш учун шу ерга келишни оdatга айлантирганмиз, — дейди Фозил Каримбоев. — Бу соғлиқни яхшилашга ижобий таъсир қўйганди. Вазн ташладик, қандли диабет, қон босим кузатилмади. Илгари кўп шомоллардим. Ҳозир иммунитетим яхши, дедарли дардга йўлиқмайман. Аммо пиёда юришни, сайри тарқ этганим заҳоти ланжлик, оғриқлик ҳисси пайдо бўлади. Шу боис, машғулотларни қанда қилмайман. Боғ баҳаво, озода, одамнинг дили яйрайди. Сайр қилиш, юриш асносида оилавий масалалар, болалар тарбияси ҳақида гаплашиб оламиз.
Мутахассислар фикрича, **ёв юриш юрак-қон томир касалликлари хавфини 31 ва ўлим хавфини 32 фоиз қисқартиради. Юриш кўкрак бези саратони ва икки турдаги қандли диабет касаллигига чагинишни камайтиради. Бундан ташқари, сув ва мушакларни мустаҳкамлайди, артериял босим, қонда холестерин миқдори тушишига сабаб бўлади, уйқунини яхшилайди. Кунига 10 минг қадам юрган инсоннинг бир ойда касаллик аломати камайиб, 9-10 килогача ортиқча вазндан қутулади.**

ОЧИҚ ҲАВОДАГИ МАШҚ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎЛОВ ТАЛАБ ЭТМАЙДИ

Очиқ ҳаводаги жисмоний фаоллик қон босими ва юрак уриш тезлигини пасайтиришга ёрдам беради. Инсоннинг руҳий ҳолатига ижобий таъсир қиладди. Табиий ландшафтлар туфайли эндорфин — ташвиш ва стрессни камайтадиган бахт гормони ишлаб чиқарилади.
Пиёда, скандинавча юриш, велосипед-да сайр қилиш, югуриш, йога, бадантарбия ва спортнинг бошқа турлари билан машғул бўлиш мумкин. Қизқарли ва кўп қирралли машғулотлар турли ёшдаги, мақсади ва маслағи муштарак инсонларни бир жойда жамлайди, ижтимоий алоқаларни ривожлантиради. Иштирокчилар ўзаро мулоқот орқали яхши тажрибаларни ўрганиши, бир-бири билан баҳам кўриши мумкин.
— Ҳар кун эрта-кеча югуриш учун боққа келамиз, — дейди “Дўстлик Тошкент” футбол клуби ўйинчиси Сардор Ҳожибоев. — Бу ерда дўстлар орттирдим. Улар билан баъзида футбол ўйнаймиз. Спорт инсонни сабрга, чидамлиликка ўргатади. Вақтни тўғри тақсимлайман, жисмонан ва руҳан тетик бўлишга ҳаракат қиламан.



Саломатлигимдан шикоятим йўқ. Оила аъзоларим мени кўриб, спорт билан шугулланишга қарор қилган. Масалан, **онам овқат ҳам қилишда қўйларди. Секин-секин юриш, машқларни бажаришга оdatлангани туфайли бу муаммо ортда қолди.**

СОҒЛОМ ИНСОН — ЖАМИЯТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Ҳар бир инсон қизқарли ва сермахсул ҳаёт кечиришни хоҳлайди. Жамиятда ўз ўрнини топиш, касбий фаолиятида ўзини англаш, кашф этиш, оилавий муносабатларда мутаносиблик, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш ҳаётга ранг-баранглик бағишлайди. Аммо саломатлиги панд бериб, тинч фикр ва дунёга ижобий муносабатда бўлмасда, ҳаётда муваффақиятга эришиш осон эмас. Шунинг учун инсон ҳаётининг турли қирраларини ривожлантириш ва фаол узоқ умр кўришга эришишнинг энг муҳим шартли соғлом турмуш тарзиндир.
Яқинларининг хотиржамлиги, келажак учун маъсул шахс ўзида саломатлик маданиятини қарор топтиради. Саломатлигига шахсий жавабгарлик ҳисси — оила аъзоларининг соғлиғи, тинч ва осуда кунлари, фарзандларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши томон қўйиладиган муҳим қадам. Соғлом миллат қамоли эса жамиятнинг бебаҳо бойлиги, кучли давлат белгисидир.

Ана шу ҳаёллар билан боғни тарқ этарканман, гўзаллик ва тинчлик рамзи бўлган бу сўлим маскан саломатлик истаган, ҳаракатдаги



одамлар билан янада кўркамлашганига гувоҳ бўламан. Боғ четидан ўтган анҳор сувида осмоннинг акси кўзга ташланади. Дарахтлар боши эгик, сукутга чўмган, бу ландшафтни гўзаллигини янада оширади. Этно журналистикадан совуқ ҳаво сув ёқалаб юраётган, югураётганларга тасвир қилмайди. Уларнинг руҳиятида сокинлик ҳукмрон. Нарироқда — буталар, дарахтлар орасида машқ қилаётганлар тирикликнинг қадри нечоғлиқ банд экани, соғлом ва тўлақонли ҳаёт истаганини ифода этаётган бўлса, ажаб эмас. Табиатга чуқур ҳиссий боғланишининг жисмоний фаоллик билан уйғунлиги муҳташам манзарани вужудга келтирган, атроф ниҳоятда хузурбахш эди.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.